

ACFP аъзоларининг умумий  
йиғилиши қарори билан

ТАСДИҚЛАНГАН

(2023 йил 28 сентябрдаги 3-сонли  
йиғилиш баённомаси)  
Уюшма раиси

М. М. Перпер

**«Ўзбекистон сертификатланган молия мутахассислари уюшмаси»  
Жамоат бирлашмасида иштирок этиш тўғрисида**

**МУВАҚҚАТ НИЗОМ**



Тошкент, 2023 йил

## I. Умумий қоидалар

1.1. «Ўзбекистон сертификатланган молия мутахассислари уюшмаси» Жамоат бирлашмасига (кейинги ўринларда – ACFP) аъзолик тўғрисидаги Муваққат низом ACFP Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Муваққат Низом қўйидагиларни белгилайди:

- ACFPда иштирок этиш шартлари ва талаблари;
- ACFP иштирокчилигига қабул қилиш тартиби;
- ACFPда иштирок этишни тўхтатиб туриш, тиклаш, тугатиш ва бекор қилиш шартлари ва тартиби;
- ACFP иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тўланадиган бадаллар миқдори ва тартиби.

1.3. Муваққат низомда қўйидаги қисқартмалар ва атамалар қўлланилади:

- AFS малака даражаси дипломи (Associate Finance Specialist - Сертификатланган кичик молия мутахассиси). ACFP Профессионал сертификатлаш дастурининг бошланғич (биринчи) поғонаси «Молия ва бошқарув ҳисобига кириш» A.FR+MA имтиҳонини топширган жисмоний шахсларга берилади;
- CFS малака даражаси дипломи (Certified Finance Specialist - Базавий даражада сертификатланган молия мутахассиси). ACFP томонидан ACFP Профессионал сертификатлаш дастурининг базавий (иккинчи) поғонаси имтиҳонларини топширган жисмоний шахсларга берилади;
- CFP малака даражаси дипломи (Certified Finance Professional - Профессионал даражада сертификатланган молия мутахассиси) ACFP томонидан ACFP Профессионал сертификатлаш дастурининг асосий (учинчи) поғонаси имтиҳонларини топширган жисмоний шахсларга берилади;
- ACFP дипломи (Advanced Certified Finance Professional - Илғор даражада сертификатланган молия мутахассиси). ACFP Профессионал сертификатлаш дастурининг илғор (тўртинчи) поғонаси имтиҳонларини топширган жисмоний шахсларга берилади; – талабгор – ACFPда иштирок этиш учун ҳужжатларни тақдим этган жисмоний шахс;
- ACFP абитуриенти – AFS дипломини олиш мақсадида бошланғич (биринчи) даражада имтиҳонларига кириш имкониятига эга бўлиш учун зарур иштирок тури. Ўрта маълумотга эга бўлган ҳар қандай шахс ACFP абитуриенти бўлиши мумкин ;
- ACFP талабаси – CFS дипломини олиш мақсадида базавий (иккинчи) поғона имтиҳонларига кириш имкониятига эга бўлиш учун зарур иштирок тури. Ўрта маълумотга эга бўлган ва AFS дипломини олган ёки 4 та (A.MT Молиячи учун математика асослари, A.XL Молиячи учун Excel асослари, A.FR Молиявий ҳисобига кириш ва A.MA Бошқарув ҳисобига кириш бўйича) имтиҳон топширган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин;
- ACFPга аъзоликка номзод – CFP дипломини олиш учун сертификатлашнинг асосий (учинчи) даражадаги имтиҳонларга кириш учун зарур бўлган ACFPда иштирок этиш тури. CFS дипломига эга бўлган ҳар қандай шахс ACFP аъзолигига номзод бўлиши мумкин;
- ACFP аъзоси – – ACFP дипломини олиш мақсадида ACFP сертификатлаш дастурининг илғор (тўртинчи) даражаси имтиҳонларига кириш имкониятига эга бўлиш учун зарур иштирок тури. «CFS» сертификати ёки ACCA (Association of Chartered Certified Accountants) [«Молия ва бизнесни бошқариш»](#) дипломига эга бўлган ҳар қандай шахс ACFP аъзоси бўлиши мумкин;
- ACFP ҳақиқий аъзоси – ACFP дипломини олган шахсларга тақдим этиладиган иштирок тури;

- фахрий аъзо – Ўзбекистонда молия соҳаси мутахассисликларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган шахсларга бериладиган ACFPда иштирок этиш тури;
- ACFP иштирокчилари – ACFPда иштирок этиш турларидан бирини олган шахслар;
- реестр – муайян турдаги иштирок этиш шартларида ACFP аъзоси бўлган жисмоний шахсларнинг реестри;
- УПР (узлуксиз профессионал ривожланиш) – ACFP томонидан тасдиқланган узлуксиз профессионал ривожланиш дастурлари бўйича ўқитиш.

1.4. ACFPда иштирок этиш ихтиёрийдир.

1.5. ACFP иштирокчилари қўйидагилар бўлиши мумкин:

- ACFP Устави ҳамда ACFP Ахлоқ ва профессионал хулқ кодексини тан оладиган шахслар;
- ушбу Муваққат низом ва ACFPнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатлари билан қўйиладиган шартлар ва талабларга мос келадиган шахслар.

1.6. ACFP ўзининг ACFPда иштирок этиш мажбуриятини ўз зиммасига олган шахсга нисбатан ҳаракатлари тўғрисида электрон почта орқали ёки унинг ACFP сайтидаги шахсий кабинети орқали хабар беради.

1.7. ACFPда иштирок этишнинг йиллик муддати талабгор иштирокчи сифатида рўйхатга олингандан сўнг кейинги кундан бошланади ва 12 календарь ой давом этади.

## **II. ACFPда иштирок этиш шартлари ва талаблари**

2.1. Қўйидаги жисмоний шахслар ACFP абитуриенти бўлишга ҳақли:

- 2.1.1. умумий ёки ўрта маҳсус маълумотга эга бўлганлар;
- 2.1.2. ACFP Уставига, ACFP Ахлоқ ва профессионал хулқ кодексига, ушбу Муваққат низомга ва ACFPнинг бошқа ички ҳужжатларига риоя қилиш мажбуриятини зиммасига олганлар;
- 2.1.3. ҳар йилги бадалларни ушбу Низомда белгиланган миқдорда ва тартибда тўлайдиганлар.

2.2. Қўйидаги жисмоний шахслар ACFP талабаси бўлишга ҳақли:

- 2.2.1. AFS малака дипломи ёки 2014 йилгача берилган CAP сертификатига ёки молия соҳасида олий маълумотга эга бўлганлар;
- 2.2.2. зиммасига ACFP Уставига, ACFP Ахлоқ ва профессионал хулқ кодексига, ушбу Муваққат низомга ва ACFPнинг бошқа ички ҳужжатларига риоя қилиш мажбуриятини олганлар;
- 2.2.3. ҳар йилги бадалларни ушбу Муваққат низомда белгиланган миқдорда ва тартибда тўлайдиганлар.

2.3. Қўйидаги жисмоний шахслар ACFP аъзолигига номзод бўлишга ҳақли:

- 2.3.1. CFS малака дипломи ёки FIA (ACCA) дипломи ёхуд молиявий мутахассисликлар бўйича бакалавр/магистр дипломига эга бўлганлар;
- 2.3.2. ACFP Уставига, ACFP Ахлоқ ва профессионал хулқ кодексига, ушбу Муваққат низомга ва ACFPнинг бошқа ички ҳужжатларига риоя қилиш мажбуриятини зиммасига олганлар;
- 2.3.3. ҳар йилги бадалларни ушбу Низомда белгиланган миқдорда ва тартибда тўлайдиганлар.

2.4. Қўйидаги жисмоний шахслар ACFP аъзоси бўлишга ҳақли:

- 2.4.1. CFP малака дипломи ёки «Молия ва бизнесни бошқариш» (ACCA) дипломига эга бўлганлар;

- 2.4.2. ACFP Уставига, ACFP Ахлоқ ва профессионал хулқ кодексига, ушбу Муваққат низомга ва ACFРнинг бошқа ички ҳужжатларига риоя қилиш мажбуриятини зиммасига олганлар;
- 2.4.3. молиявий-иқтисодий мутахассисликлар бўйича камидаги 3 (үч) йиллик тажрибага эга бўлганлар;
- 2.4.4. ҳар йилги бадалларни ушбу Низомда белгиланган миқдорда ва тартибда тўлайдиганлар.
- 2.5. Қўйидаги жисмоний шахслар ACFРнинг ҳақиқий аъзоси бўлишга ҳақли:
- 2.5.1. ACFP дипломи ёки ACCA аъзолигига эга бўлганлар;
- 2.5.2. ACFP Уставига, ACFP Ахлоқ ва профессионал хулқ кодексига, ушбу Низомга ва ACFРнинг бошқа ички ҳужжатларига риоя қилиш мажбуриятини зиммасига олганлар;
- 2.5.3. молиявий-иқтисодий мутахассисликлар бўйича камидаги 5 (беш) йиллик тажрибага эга бўлганлар;
- 2.5.4. ACFРнинг ҳақиқий аъзоси ёки ACFP раисининг тавсияномасини олганлар;
- 2.5.5. ACFРга ҳар йилги бадалларни ушбу Низомда белгиланган миқдорда ва тартибда тўлайдиганлар.
- 2.6. Қўйидаги жисмоний шахслар ACFРнинг фахрий аъзоси бўлишга ҳақли:
- 2.6.1. Ўзбекистон Республикасида ва/ёки хорижда молия соҳаси мутахассисликларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар;
- 2.6.2. ACFP фаолият дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этганлар;
- 2.6.3. ACFP Уставига, ACFP Ахлоқ ва профессионал хулқ кодексига, ушбу Муваққат низомга ва ACFРнинг бошқа ички ҳужжатларига риоя қилиш мажбуриятини зиммасига олганлар.

### **III. ACFРга қабул қилиш тартиби**

- 3.1. Номзод ACFP Устави, ACFP Ахлоқ ва профессионал хулқ кодекси, ушбу Муваққат низом ва ACFРнинг [www.acfp.uz/uz](http://www.acfp.uz/uz) расмий сайтида жойлаштирилган ACFРнинг бошқа ички норматив ҳужжатлари билан танишиши керак.
- 3.2. Номзод ACFРга ушбу Низомнинг 4-бўлимида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этади.
- 3.3. Номзод томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ушбу Низомда белгиланган ACFРда иштирок этиш шартлари ва талабларига мувофиқлиги текширилиши лозим.
- 3.4. ACFРнинг ваколатли органи ҳужжатларнинг тўлиқ тўплами тақдим этилган кундан кейинги кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида Номзодни ACFРга қабул қилиш ёки қабул қилишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.
- 3.5. Қўйидагилар ACFРга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш учун асос ҳисобланади:
- 3.5.1. Номзоднинг ушбу Муваққат низомда белгиланган иштирок этиш турларига қўйиладиган шартлар ва талабларга мос келмаслиги;
- 3.5.2. ушбу Муваққат низомда белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ҳужжатлар тақдим этилганлиги;
- 3.5.3. ACFРга тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ишончсизлигининг аниқланиши;

3.5.4. жисмоний шахсга AFS, CFS, CFP ва ACFP дипломлари берилгандан кейин бунга тўсқинлик қилган ҳолатларнинг аниқланиши;

3.5.5. Номзоднинг ACFPда иштирокини қўйидаги асослар бўйича тугатиш:

- интизомий чора сифатида аъзоликдан чиқариш;
- ACFP аъзолигига қабул қилиш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги ишончсиз маълумотларни аниқлаш;
- AFS, CFS, CFP ва ACFP дипломларини бекор қилиш;
- қонунчиликда назарда тутилган бошқа асослар.

3.6. ACFP иштирокчилигига қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор ҳақида Талабгорга ёзма равишда (аъзо бўлиш учун берилган ҳужжатларда кўрсатилган электрон почта манзили ёки почта манзили бўйича) ушбу қарор қабул қилинган кундан кейинги кундан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай хабар қилинади.

3.7. ACFP аъзолигига қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят ACFP шикоят ва низолар комиссиясида ёки суд тартибида кўриб чиқилиши мумкин.

## **IV. ACFP аъзолигига кириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва уларни текшириш**

4.1. Талабгор:

4.1.1. [www.acfp.uz](http://www.acfp.uz). сайтида паспорт маълумотларини (ЖШШИР, миллий паспорт ёки id-картанинг серияси ва рақами) ва бошқа кўрсатилган ахборотни кўрсатган ҳолда саволнома-аризани тўлдиради;

4.1.2. логин ёки пароль йўқолган тақдирда ҳисоб ёзувини дастлабки фаоллаштириш кодини олиш ва ҳисоб ёзувини тиклаш учун амалдаги мобил телефон рақамини кўрсатади;

4.1.3. амалдаги электрон почта манзилини кўрсатади (логин ёки пароль йўқолганда ҳисоб ёзувини тиклаш учун);

4.1.4. аризани тўлдиргандан сўнг унга қўйидагиларни илова қиласди:

- маълумоти (олиј) тўғрисидаги ҳужжатларнинг сканерланган нусхасини;
- йиллик тўловни тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжатнинг сканерланган нусхасини;
- халқаро ACCA, CAP/CIPA сертификатларининг (2014 йилгача) сканерланган нусхасини;
- молия соҳаси мутахассисликлари бўйича касбий тажрибани тасдиқловчи ҳужжатлар;
- зарурат бўлганда – охирги йил учун бухгалтерлар (аудиторлар)нинг бошқа професионал жамоат ташкилотининг малака ошириш дастурлари бўйича ўқишни тугатганлиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг сканерланган нусхаси;

4.2. Талабгор ACFP Устави, ушбу Муваққат низом, ACFP Ахлоқ ва професионал хулқ кодекси ва бошқа ACFP ҳужжатлари билан танишганлигини тасдиқлади ва уларга риоя қилиш мажбуриятини зиммасига олади.

4.3. ACFP ваколатли ходими қўйидагиларни текширади:

- тақдим этилган ҳужжатларнинг сканерланган нусхаларини;
- Талабгор томонидан ACFPда иштирок этиш шартларининг бажарилишини.

## V. ACFPда иштирок этиш турини ўзгартериш тартиби

5.1. ACFPда иштирок этиш турини ўзгартериш учун жимоний шахс [www.acfp.uz/uz](http://www.acfp.uz/uz) сайтидаги шахсий кабинетида саволнома-аризани тўлдиради ва сўралган ҳужжатларнинг сканерланган нусхаларини тақдим этади.

5.2. ACFP ходими Талабгорнинг иштирок этишни бошқа турига ўтиш шартларини бажаришини текширади.

5.3. ACFP ваколатли органи ҳужжатларнинг тўлиқ тўплами тақдим этилган кундан кейинги кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичидаги иштирок этиш турини ўзгартеришга розилик бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

## VI. ACFP иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. ACFP иштирокчилари иштирок этиш даражасидан қатъи назар, қўйидагиларга ҳақли:

6.1.1. ACFP сертификатлаш дастурлари бўйича имтиҳон топшириш ва ACFP молия мутахассислари малакасини баҳолаш марказида ўз малакасини баҳолашдан ўтиш;

6.1.2. ACFP ва унинг ҳамкорлари томонидан тақдим этилган имтиёз ва чегирмалардан фойдаланиш;

6.1.3. ACFP Уставида ва ушбу Муваққат низомда белгиланган тартибда ACFPда иштирок этишни ихтиёрий равишда тугатиш;

6.1.4. ACFPning мақсад ва вазифаларини бажариш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишда касбий манфаатларни ҳимоя қилиш учун ACFPга мурожаат қилиш;

6.1.5. ACFPдан унинг ваколатлари доирасида касбий даража ва малакани ошириш учун зарур бўлган маълумот ва маслаҳатларни олиш;

6.1.6. ACFP ахборот тизимидан, шу жумладан ACFP расмий сайтидаги ACFP иштирокчисининг «шахсий кабинети» имкониятларидан фойдаланиш;

6.1.7. ACFP томонидан ўтказиладиган касбий фаолиятни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар бўйича симпозиумлар, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш;

6.1.8. ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларида ACFP аъзоларининг қонуний касбий манфаатларига тааллуқли масалаларни кўриб чиқишда ACFP қўллаб-қувватлашидан фойдаланиш;

6.1.9. ACFP фаолияти масалалари бўйича ариза ва таклифлар билан мурожаат қилиш;

6.1.10. ACFP ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида ёки ACFP органлари қарорлари билан ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда – бундай хатти-ҳаракатлар устидан Шикоят ва низоларни кўриб чиқиш бўйича комиссияга ёки суд тартибида шикоят қилиш;

6.1.11. ACFP иштирокчилари назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

6.2. ACFP иштирокчилари учун назарда тутилган ҳуқуқларга қўшимча тарзда иштирок этиш даражасидан қатъи назар ACFP аъзолари ва ҳақиқий аъзолар қўйидагиларга ҳақли:

6.2.1. ACFP умумий йиғилишининг мажлисларида иштирок этиш;

6.2.2. ACFPning бошқарув, ихтисослаштирилган, ўз соҳасига оид, назорат-тафтиш ва бошқа органларига сийлаш ва сийланиш;

- 6.2.3. ACFP назорат-тафтиш органларига ACFPнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича ариза ва таклифлар бериш орқали ACFP бошқарув органлари фаолиятини назорат қилиш;
- 6.2.4. ACFP фаолиятининг асосий йўналишларини белгиловчи ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиша иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ва профессионал соҳадаги норматив-хўқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифларни, шунингдек ACFP иши билан боғлиқ бошқа масалаларни ACFP ишчи органларига кўриб чиқиш учун киритиш;
- 6.2.5. ACFP ички ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

6.3. ACFP иштирокчиларининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

- 6.3.1. ACFP Уставига ҳамда ACFP Ахлоқ ва профессионал хулқ кодексига, ушбу Муваққат низомга ва ACFPнинг бошқа ички норматив ҳужжатларига риоя қилиш;
- 6.3.2. ACFP манфаатларига риоя қилиш ва молия соҳаси мутахассисларининг профессионал ҳамжамиятини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- 6.3.3. ACFP органларининг уларнинг ваколатлари ва тегишли соҳа доирасида қабул қилинадиган қарорларини бажариш;
- 6.3.4. ушбу Муваққат низомда назарда тутилган бадалларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаш;
- 6.3.5. ACFP билан, бошқа ACFP аъзолари билан мұносабатларда ахлоқий меъёрларга риоя қилиш;
- 6.3.6. коррупцияга қарши курашиш, жиноят йўли билан олинган даромадларни легаллаштиришга (пул ювишга) ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилиш;
- 6.3.7. ACFP иштирокчиларининг ҳаракатлари устидан шикоятларни (аризалар, мурожаатларни) кўриб чиқиша назорат тадбирларида иштирок этиш;
- 6.3.8. Реестрда мавжуд маълумотлардаги барча ўзгаришлар ҳақида бундай ўзгаришлар юзага келган кундан бошлаб 10 (үн) иш кунидан кечиктирмай ACFPни хабардор қилиш;
- 6.3.9. ўз касбий даражаси ва малакасини доимий равишда ошириб бориш, УПР дастурларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ўтиш.

## VII. ACFPга бадалларни тўлаш тартиби ва шартлари

- 7.1. Бадаллар ACFP иштирокчиларидан ACFP низом фаолиятини молиялаштиришга мажбурий, беғараз тўловлар деб ҳисобланади.
- 7.2. ACFP аъзолик бадалларини олганда қарши мажбурият сифатида ACFP иштирокчисига хизматлар кўрсатишига, мулкни топширишга мажбур эмас.
- 7.3. Бадални тўлаш бўйича имтиёз (0 сўм миқдоридаги ставка) қўйидагиларга тақдим этилади:
- 20 ёшгача бўлган жисмоний шахсларга;
  - «темир дафтар»га киритилган жисмоний шахсларга;
  - ACFP иштирокчилари умумий йиғилишининг қарорига кўра бошқа шахсларга.

7.4. Бадални тўлаш бўйича имтиёзлар ACFP аъзолигига номзод томонидан ушбу Низомда назарда тутилган имтиёз бериш учун асослар мавжудлигини тасдиқловчи тегишли равишда тасдиқланган ҳужжатларни тақдим этиш шарти билан берилади.

7.5. Ҳар йилги бадаллар янги 12 ойлик муддат бошланишидан олдин ACFPда иштирок этишнинг ҳар 12 ойи учун бўнак сифатида тўланади.

7.6. Бадаллар миллий валютада ёки бошқа исталган валютада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кунидаги курси бўйича тўланади.

7.7. Бадалларни тўлаш бўйича қарздорлик ACFPда иштирок этишни тугатиш, тўхтатиб туриш ёки турини ўзгартириш учун асос саналади.

7.8. ACFP иштирокчилари томонидан тўланган бадаллар қайтарилмайди, шу жумладан ҳар қандай асослар бўйича ACFPда иштирок этиш тўхтатилган тақдирда ҳам.

7.9. Ҳар йилги бадаллар қўйидагиларни ташкил қиласди:

Иштирок этиш тури	Йиллик бадал миқдори
Абитуриент	Абитуриент мақомини олгандан кейин 12 ой ичида 0 БҲМ, кейинчалик – 1 БҲМ
Талаба	1 БҲМ
Аъзоликка номзод	2 БҲМ
Аъзо	1 МҲЭКМ
Хақиқий аъзо	2 МҲЭКМ

7.10. Йиллик бадал тўланганидан кейин 12 ой давомида ACFP иштироки тури ўзгарган тақдирда иштирокчи йиллик тўловнинг янги миқдорини ACFPда иштирок этиш тури ўзгарган кундан бошлаб 5 иш куни ичида тўлаши шарт. Бунда аввалроқ тўланган бадал 12 ойлик муддат тугашидан олдин қолган ойлар сонига мутаносиб равишда ҳисобланади.

*Мисол. Иштирокчи талаба бадалини 2023 йил сентябрь ойида тўлайди. Бадал БҲМнинг 1 бараварини ташкил қиласди. 2023 йил декабрь ойида иштирокчи аъзоликка номзодга айланади. Янги бадал БҲМнинг 2 бараварини ташкил қиласди. Бунда аввалги тўлов 12 ой учун тўланган, шундан 9 ой қолган. Шундай қилиб, БҲМнинг 1 бараваридан 9/12 қисми янги бадални тўлашда ҳисобга олинади ва  $(2 - 9/12) = 1,25$  БҲМ миқдорида тўлов қилинади.*

## VIII. ACFPда иштирок этишни тўхтатиб туриш ҳамда тиклаш тартиби ва шартлари

8.1. ACFP ваколатли органининг интизомий чора сифатида иштирок этишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори ACFP интизомий комиссиясининг тавсияси асосида ACFP иштирокчиларига нисбатан интизомий чораларни қўллаш тартибига кўра ва унда назарда тутилган асосларда қабул қилиниши мумкин.

8.2. ACFPда иштирок этиш қонунбузарликлар бартараф этилгунга қадар, лекин иштирок этишни тўхтатиб тўғрисида қарор қабул қилинган кундан кейинги кундан бошлаб 60 (олтмиш) календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

8.3. ACFPда иштирок этишини тўхтатиб туриши тўғрисида қарор қабул қилган жисмоний шахс бундай қарорнинг амал қилиш муддати давомида қўйидагиларга ҳақли эмас:

- 8.3.1. ACFP сертификатлаш дастурлари бўйича малака имтиҳонларини топшириш;
  - 8.3.2. ACFPга кираётган шахсларга тавсияномалар бериш;
  - 8.3.3. ACFP органлари ишида иштирок этиш;
  - 8.3.4. ACFP иштирокчисининг ҳуқуқларидан фойдаланиш.
- 8.4. Иштирок этишнинг тўхтатилиши ACFP иштирокчисини қўйидагилардан озод қилмайди:
    - 8.4.1. ушбу Муваққат низомда назарда тутилган бадалларни тўлаш;
    - 8.4.2. Реестрдаги маълумотларнинг ўзгариши ҳақида ACFPни хабардор қилиш;
    - 8.4.3. ушбу Муваққат низомда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.
  - 8.5. Жисмоний шахснинг ACFPда иштирок этиши тўхтатилган муддат тугашидан камида 5 (беш) иш кунидан аввал ACFPнинг ваколатли органи унинг иштирокини тиклаш ёки ACFPдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қиласди.
  - 8.6. ACFP ваколатли органининг иштирокни тиклаш тўғрисидаги қарори ACFPга қонунбузарликлар бартараф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда қабул қилиниши мумкин.

## **IX. ACFPда иштирок этишни тугатиш тартиби ва шартлари**

- 9.1. Қўйидагилар ACFPда иштирок этишни тугатиш учун асос ҳисобланади:
  - 9.1.1. ACFPда иштирок этишдан чиқиш ҳақида шахсий кабинетда ариза;
  - 9.1.2. ACFP ваколатли органининг ACFPда иштирок этишни интизомий чора сифатида тугатиш тўғрисидаги қарори;
  - 9.1.3. ACFP Ахлоқ кодексининг бузилиши ва/ёки ACFP иштирокчиси томонидан қабул қилинган бошқа мажбуриятларнинг бузилиши;
  - 9.1.4. қонунчиликда ва ACFPнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар.
- 9.2. Жисмоний шахснинг ACFPдаги иштироки иштирок этишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб тугатилади.
- 9.3. ACFPда иштирок этишни тугатиш тўғрисидаги маълумотлар Реестрга иштирок этишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган куннинг эртасидан бошлаб камида 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай киритилади.
- 9.4. ACFP аъзоси ACFPда иштирок этиш тугатилган тақдирда унинг мол-мулкининг бир қисмини ёки ушбу мулк қийматини олишга ҳақли эмас.
- 9.5. ACFP жисмоний шахснинг ACFPдаги иштироки тугатилган куннинг эртасидан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай уни ACFP сайтидаги шахсий кабинети орқали ёзма равища хабардор қиласди;
- 9.6. ACFP фаолияти тугатилган тақдирда, ACFPда иштирок этиш бундай қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб тугатилган ҳисобланади.

## X. ACFPда иштирок этишни бекор қилиш тартиби ва шартлари

10.1. ACFPда иштирок этишни бекор қилиш учун қўйидагилар асос саналади:

- 10.1.1. ACFP ваколатли органининг интизомий чора сифатида ACFP иштирокини бекор қилиш тўғрисидаги қарори;
  - 10.1.2. ACFP аъзолигига қабул қилиш учун тақдим этилган ҳужжатларда шубҳали маълумотларнинг аниқланиши;
  - 10.1.3. ACFP Ахлоқ кодекси ва/ёки ACFP иштирокчиси томонидан қабул қилинган бошқа мажбуриятларнинг қўпол бузилиши;
  - 10.1.4. ACFP дипломларининг бекор қилиниши;
  - 10.1.5. қонунчилик ва ACFPнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар.
- 10.2. Жисмоний шахснинг ACFPдаги иштироки бекор қилинган диплом олинган пайтдан бошлаб бекор қилинган ҳисобланади.
- 10.3. ACFPда иштирок этишни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар Реестрга иштирокни бекор қилиши тўғрисида қарор қабул қилинган куннинг эртасидан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай киритилади.
- 10.4. ACFP иштирокчиси ACFP мулкининг бир қисмини ёки ушбу мулк қийматини олишга ҳақли эмас.
- 10.5. ACFP жисмоний шахснинг ACFPдаги иштироки бекор қилинган куннинг эртасидан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай уни ACFP сайтидаги шахсий кабинет орқали ёзма равишда хабардор қиласди.

## XI. Ўтиш даври қоидалари

11.1. Ушбу Низом кучга киргунича қўйидагилар ACFP иштирокчилари бўлади:

- 11.1.1 ACFP таъсисчилари – улар ACFP давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб аъзо мақомига эга бўладилар.
  - 11.1.2 ACFP раиси – сайланган пайтдан бошлаб аъзо мақомига эга бўлади.
  - 11.1.3 Ариза асосида ACFP Раиси қарори билан ACFP аъзолигига қабул қилинган шахслар.
- 11.2. Ушбу Низом кучга киргунича ACFP иштирокчиларига айланган аъзолари дастлабки 12 ойлик иштирок даврида бадаллар тўлашдан озод этилади. Улар ACFPда иштирок этишнинг иккинчи 12 ойлик муддатидан бошлаб умумий тартибда йиллик бадаллар тўлайдилар.

## XII. Якуний қоидалар

12.1. Ушбу Муваққат низом 2024 йил 1 январдан кучга киради.

12.2. Ушбу Низомга киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар, агар қарорда кучга киришнинг бошқа муддати ва тартиби тўғридан-тўғри назарда тутилмаган бўлса, ACFP умумий йиғилиши томонидан тасдиқланганидан 30 кундан кейин кучга киради.

12.3. ACFP умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган ушбу Муваққат низом ва унга ўзгартишлар ACFP умумий йиғилиши томонидан тасдиқланганидан кейин 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай acfp.uz расмий сайтида эълон қилиниши лозим.

**ACFPда иштирок этиш тўғрисидаги низомга 1-илова**

ACFP раиси  
М. М. Перперга

**АРИЗА**

Мен, \_\_\_\_\_  
Сиздан мени Ўзбекистон сертификатланган молия мутахассислари уюшмасининг (ACFP)  
\_\_\_\_\_ қабул қилингизни сўрайман.  
*аъзолик тури кўрсатилсин*

Мен қўйидаги мажбуриятларни ўз зиммамга оламан:

- ACFP Устави, ACFP ахлоқ ва профессионал хулқ кодекси, ACFPда иштирок этиш тўғрисидаги мувакқат низом ва ACFРнинг бошқа меъёрий ҳужжатларига риоя қилишни;
- ACFP фаолиятида фаол иштирок этишни;
- аъзолик бадалларини тўлашни.

Ўзим ҳақимда қўйидагиларни маълум қиласман:

паспорт (ID карта) рақами \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ томонидан берилган;  
ЖШШИР \_\_\_\_\_;  
доимий яшаш жойи: \_\_\_\_\_;  
мобиль телефон рақами: \_\_\_\_\_;  
электрон почта манзили: \_\_\_\_\_;  
иш жойи \_\_\_\_\_;  
эгаллаган лавозими \_\_\_\_\_.

Мен қўйидагилар юзасидан ACFРга ўз розилигимни билдираман:

- 2019 йил 2 июлдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги ЎРҚ-547-сон Қонуннинг 30-моддасига асосан ACFP Уставида белгиланган мақсадларда ўз шахсга доир маълумотларимга ишлов берилишига, шу жумладан автоматлаштирилган тарзда ишлов берилишига;
- “Norma” МЧЖ шахсга доир маълумотларга ишлов бериш оператори ҳисобланишига.
- Мен ўз шахсга доир маълумотларим:
- ACFP материаллари ва бошқа хабарлар, мурожаатларга жавобларни юбориш, ACFP ва имтиҳонларда иштирок этиш маъмуриятчилиги учун фойдаланишига;
- аккредитациядан ўтказилган ўқитувчилар ва ўқув ташкилотлари ва ваколатли давлат органларининг сўровлари бўйича тақдим этилишига ўз розилигимни тасдиқлайман.

Мен шахсга доир маълумотларга ишлов беришга нисбатан ACFP сиёсати билан танишганлигимни тасдиқлайман. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш ва фойдаланиш учун розилик ушбу Ариза имзоланган пайтдан эътиборан тақдим этилади ва маълумотларга ишлов беришнинг чекланган муддатларини белгиламайди. Мен ACFP манзилига ўз розилигимни чақириб олиш тўғрисида ёзма ариза юборган ҳолда, ўз розилигимни чақириб олиш ҳуқуқини ўзимда қолдираман. Аризага ACFPда иштирок этиш тўғрисида низомнинг 4.1.1-бандига мувофиқ ҳужжатлар нусхаларини илова қиласман.

202\_\_ й «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_.

Имзо\_\_\_\_\_